

НИЯТ ХОЛИС, МАҚСАД ЯГОНА

Қиши фасли бошланганиң қарамай бүтүн тонгдан чаралып чиқкан қүөш илк бағдарни эслатади. Узоқдан оптоқ қорлар билан қопланган тоглар мөвий осмон чизиқлары билан уйғуналашиб, ажыр бир ранг касб этганды, беихтиәр рұхан теткиллаша-ётганингни, фикрларынг тиниқлашиб, вужудинг енгиллаша-ётганиниң ҳис қила-сан.

Агарда ушбу манзараниң акс эттиришга рассом жазм қылғаныда эди, аминманки, бүек күчи оқизлик қилас-ди.

Автобусдан тушиб, Пар-кент тумани ИИБГа пиёда йўл оларканман, сервиқор тоғларга тобора яқинлаша-вераман. Бағридаги қорлар гүёки қор эмас, осмондан узилиб тушган оптоқ булут-ларга ўхшайди.

Бўлимда сокинлик. Бошлиқ туман икроқумида ўт-казилаётган ота-оналар кен-гашида иштирок этаётган экан. Унинг ўринбосари ми-лиция майори Тўлқин Нор-боевдан туман ИИБ ходим-лари олиб бораётган ишлар ҳақида сўрадим.

— Бу йилда бир қанча тадбирларни амалга ошири-щимиизга қарамай жиноятчиликнинг кўпайганлиги маъ-лум бўлди, — деб сұхбатни бошлади Тўлқин ака.— Шун-ни қайд этиш лозимки, бу ўсминалар томонидан содир этилган ўғирликлардир. Шу сабабли ҳозир буту өт-боримизни вояга етмаганларни ҳуқуқий тарбиялаш иши-га қаратмоқдамиз. Туман кенгасида ўтказилаётган бу-гунги йигилишдан мақсад ҳам ана шу. Ҳозигизга маъ-лум ҳар бир шаҳар, туман икроқуми қошида вояга ет-маганлар билан ишлар инспекцияси мавжуд. Куни ке-ча у ерда ҳам ИИБ, корхона на раҳбарлари, маориф ходимлари билан биргаликда ўсминалар ўтасида жиноятчиликнинг кўпайиш сабаб-лари, унинг олдин олиш бўйича нималар қилмоқлик хусусида маслаҳатлашиб олинди. Унда ёшлар билан бевосита шуғулланиши ло-зим бўлган инспекция ходимларини вазифасидан таш-қаришларга жалб қилмас-ли, болалар билан ишлар учун барча имкониятларни яратиб бериш, билим юрти, мактабларда профилактик ишларни кучайтириш, ҳуқу-қий саводхонликни ошириш каби қатор масалалар ижо-бий ҳал қилинди.

Шу билан бирга тумандаги қишлоқ мактабларининг олисларда жойлашганлиги, йўл шароитларининг оғирлиги, торли иқлим ҳисобга олинниб, инспекция ходимларига маҳаллий бюджет ҳи-себидан автоулов ажратишга келишилди. Агар ходим-ларимизга ишларлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб берсак, унинг нати-жасини ҳам қаттиқўллик билан сўрашга ҳаққимиз бўлади.

Тўғри, ИИБда ёшлар ора-сида жиноятчиликнинг олдин олиш борасида қилинаётган ишлар мағтубга арзигу-лик. Айниқса, бунда ота-она-ларни ҳам бола тарбияси билан шуғулланишга қиши-тириш. Менинг қийнайдиган яна бир нарса бор. Негадир ҳукумат раҳбарларимиз фой-дали ақлли, пухта гояларни эшитмайди-ю, ҳавойи, кони зарар маслаҳатларни ҳамма ёқда шиор қилиди. Мана, наҳотки, оналарнинг иш со-тини камайтиришу озгина кўпроқ пул тўлаш гояси за-rarli бўлса. Ахир, ўша аёл бу ҳимматни сезиб, фарзанд

тарбияси учун кўпроқ вақт ажратмайди дейсизми? Қолаверса, боланинг она, она-нинг бола ёнида бўлишининг ўзи катта гап эмасми?

— Ўсминалар учун энг оғир жазо,— деб сұхбатни давом эттиради Тўлқин ака.— бу ўртоқлари, ота-онаси, маҳалла аҳли олдида муҳокама қилинишидир. Бу ота-она учун ҳам яхши сабоқ. Яқинда бир тўйда 6 нафар ўсминалар билан муштлашганлар. Уларнинг барчаси ота-оналари билан биргаликда маҳалла жамоатчилиги олдида муҳокама этилди. Бу энди уларнинг ҳар бир ҳаракатига қўни-қўши ҳам жавобгар дегани.

Бозор иқтисодиёти, нарх-навонинг кескин кўтарилиши ҳар нарсага ўч, қизиқон болаларга ҳам таъсир қилмай қолмаган. Лекин қонунда кошки бу кўрсатилган бўлса. Бир томондан чай-қовчилкнинг авж олиши ҳам улар онгидан нохуш фикрлар туғилишига сабабчи эмасмиш? Шу ерга келганди бир нарсани қистириб ўтмоқчиман.

Бизда йиллар давомидан пулдан ҳазар қилишга тар-ғиб қилинди. Пул ёмон, одамни бузади, балобадтар дейишарди-ку, бироқ бир жуфт ашулага нон ҳам бе-ришмасди. Иккя тийининг етмаса, нарса ололмасдингу уч тийин ортиқ берсанг, қайтиб беришмасди. Бу ҳам майли, энг ёмони, уч ой бўш юриб (қишлоқ болалари бундан мустасно), ота-онанга ҳам, ўзингга ҳам фойда келтирмаисан. Ҳўш, бола ўзига яраша юмуш топиб ишласи, нимаси ёмон? Негадир ота-она ёнита олиб, колхўзда чопиқ чопиришса, ўз боласини эксплуатация қилган бўла-дию қор ёққанда ҳам давлат пахтани тердирса, эксплуатация бўлмайди. Шунга айтсалар керакда: «Товоғи син-са йиглайди-ю, лагани синса иши йўқ», — деб. Э, гапираверсанг, гап кўп.

Ҳозир туманимиз савдо тармоқларига келаётган барча моллар устидан қатъий назорат ўрнатилган. Ишчи назорати гуруҳлари, участка инспекторлари, ДАН, БХСС ходимларининг биргаликдаги олиб бораётган ишларидан ҳамма мамнун. Шундай фаол маҳаллалар борки, ўз ҳудудида жойлашган дўкон сотувчининг но-тўгри, қонунга зид ишларни жамоатчилик ўтасида муҳокама қилишмокда. Ҳатто қўли эгриларни бўшатиб, ҳалол, пок одамларни тайинлашмокдалар. Афсуски, бу борада ҳам айрим участка инспекторларининг улар билан ҳамкорлиги етарли дара-жада эмаслиги билиниб қолди.

Ҳозирги иш услубимиз олдингилардан тубдан фарқ қилиди, албатта. Ҳалқ катта куч, уни тўғри йўлга солол-сак, жамиятнинг ривожи янада тезлашарди. Тақчиллигу чайқовчиликка, боша-ларга ҳам тезроқ нуқта қў-ярдик, — деб сұхбатни якунлади. Т. Норбоев.

Ҳа, ҳалқнинг ҳоҳиширо-дасига зид иш қилиш яхшиликка олиб қелмаслиги аниқ. Улар эса бир нарсани — тинчлик, арzonчilik, тў-кин-сочинлик, мўл-қўлчилик, меҳр-оқибату имон-ин-соф бўлишини хоҳлайдилар.

Туман милиция ходимларининг ҳам ниятлари битта — осоинштилики сақлаш, жиноятчиликка, ҳалқ мулкини таён-торож қилишга йўл қўймаслик.

М. ИБРОҲИМОВА.



(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)

2. Ённидан сақлаш-техник билим юрти энг замона-вий ўқув-техник воситалари билан жиҳозланган бўлиб, талабаларнинг янада чуқурроқ назарий ва амалий билим олмогига мустаҳкам замин тайёрланган. Электр аппаратурлар билан тил топиша билиш, ҳимоя воситаларидан мөҳирона фойдаланиш бўла-жак ўт ўчирувчи зобитлар учун сув ва ҳаводай зарур.

Ҳамма ўқув даргоҳларинда бўлгандек, бу ерда ҳам та-лабалар ўз билимларини имтиҳон ва синов пайтлари яна бир карра мустаҳкамлаб, устозлар олдидан ўтадилар. Ушбу суратли лавҳаларда иккинчи курс аълочи талабалари Сиёмиддин Ҳайдаров ва Дмитрий Куяновлар ўз билимларини намойиш этаёт-ган чоғлари тасвирланган. (Давоми З-бетда).



ҲАЛОКАТ САБАБСИЗ БЎЛМАЙДИ

1990 йил 13 октябрь куни Жиззах-Ховос йўлиниг темирйўл билан кесишган ташига автобус юк поезди билан тўқнашди...

Бу Жиззах вилоятидаги фожия.

Наманганда-чи? 2 октябрь куни Дўстлик шоҳкӯчасида автобусда ёнгин юз берди...

Бир неча йил муқаддам Наманган-Тошбулоқ йўлида-ги тор кўприда автобус билан ағдарма машина ҳайдовчилари йўл талашишган эди. Бу эса автобусда ўтирган бир оила — 8 кишининг ҳалок бўлишига олиб келди...

Задарё туманида жамоа ҳўжалиги юк автомобилини паҳтакорларни олиб кетаётганида қилинди...

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси қонун-қонидан менсимаслик, унга амал қилмаслик...

Кўза кунда синмайди...

Поп тумани марказидаги шоҳбекатда 12-автокорхонанинг Поп-Чоркесар йўналишида қатнайдиган автобусга йўловчилар чиқарилмоқда. Уловдаги беш шинанинг нақшлари ейилиб кетган. Ўт ўчиргич борми? — деб сурасак, «Вор», — деди. Кўрсатиши тақлиф қилдик. У бўлса: «...Ўйда қолибди», — деди. Ҳар ҳолда уйининг хавфсизлиги ғамини қилиб қўйибди. Аммо йўловчиларчи?

57-автохўжалик, 17-авто-бус паркида ҳам аҳвол шундай.

Бизни ҳайратда қолдирган яна бир нарса, давлат тилига муносабат бўлди. Режа-лар, буйруқлар 17-авто-бус паркида ҳануз рус тилида олиб борилар экан. «Нега бундай, қачон давлат тилига ўтишини бошлайсизлар?» — деган саволимизга:

— Нега бу аҳволда одам ташига чиқдингиз? — деб сўрадик.

— Заказга чиқдим-да, — деди у.

Гўёки «заказ»га чиқданда ҳаммаси мумкиндай. Авто-корхонанинг бош муҳандиси Ҳолматжон Содиқов билан учрашдик. Унга ана шу нуқсонларни айтсак, оғзига талқон согландай тураверди.

Унинг гувоҳлигига одам ташига чиқиб кетаётган такси ҳайдовчиси Набижон Қамбаровдан:

«Аптечка, ўт ўчиргич борми?» — деб сурасак, «Вор», — деди. Кўрсатиши тақлиф қилдик. У бўлса: «...Ўйда қолибди», — деди. Ҳар ҳолда уйининг хавфсизлиги ғамини қилиб қўйибди. Аммо йўловчиларчи?

57-автохўжалик, 17-авто-бус паркида ҳам аҳвол шундай.

Бизни ҳайратда қолдирган яна бир нарса, давлат тилига муносабат бўлди. Режа-лар, буйруқлар 17-авто-бус паркида ҳануз рус тилида олиб борилар экан. «Нега бундай, қачон давлат тилига ўтишини бошлайсизлар?» — деган саволимизга:

— Бизга, ўшағдан (бира-лашма томонни кўрсатиб) русча келади. Биз ҳам шундай тайёрлаймиз, — дейишди. Р. Болтабоев, П. Мирра-ҳимов.

— «Ўшағдан» келган кўрсатмаларни ҳайдовчиларга қандай тушунтирасизлар?

— Ушандай ўқиб берамиз, — деди бош муҳандис М. Нурматов.

— «Ўшағдан» келган кўрсатмаларни ҳайдовчиларга қандай тушунтирасизлар?

— Ушандай ўқиб берамиз, — деди бош муҳандис М. Нурматов.

ИБРАТ

Оққурғон шаҳрида Абдука-рим Қутбоевлар оиласини ҳам-ма ҳурмат билан тилга олиши бекиз эмас. Абдукарим ака ва Ҳайригул аяларнинг тур-муш қурғанларига ўтиз ҳил-дан оши. Уй соҳибаси Ҳай-ригул ая 25 йил жамоа ҳўжа-лигига оддий колхўзи бўлиб ишлаган бўйса, Абдукарим ака ДАНБ инспектори вазифасида меҳнат қилган. Ҳозирги кунда вилоят ИИБ ДАНБ катта ин-спектori лавозимида.

— Ҳар куни эртароқ келар-микан, дея кутаман, — дейди Ҳайригул ая. — Тўғри, осонмас жиноятчилар билан курашиш. Баъзан ҳориб, чарчаб келиб, оқват ҳам емай дастурхон усти-хула қолган вақтлари бўлган.

Ҳа, жиноятчилар қарши курашиш осон эмас. Бу йўлда асаблар ҳам, сабр-бардош ҳам чиниқан бўлиши лозим.

Мана ҳар галгидек бугун ҳам Абдукарим ака мұхим топшириқ билан оператив гу-руҳ аъзоси сифатида йўлга чикиди.

Жиноятчилар куролланган. Ҳар бир ўтган уловни синч-ковлик билан кўздан кечириш лозим.

Тонга якин жиноятчилар-нинг бирин кўлга олинди. Ҳамма енгил нафас олди. Роппа-роса соат бешда гуруҳга рұх-сат берилди. Абдукарим ака ўйга яқинлашиши билан Ҳай-ригул ая эшикни очди.

— Қўшини бўлиб яшайдани-мизга йигирма йилдан оши, — дейди ҳамсоюзи Мусабек ака Сафаров. — Шу вақт ичидан на фарзандлари, на ўзлари, кўёллари, келинлари орасидан гап-сўз чиққанини эслай олмайман сира. Одамзотнинг бунчалар маданий, тарбияли, аҳлоқли бўлганидан ҳайрон қолман. Уларга қараб туриб ҳава-сим келади.

Ҳа, бу оила ҳавас қилса арзигулик. Негаки балиқ бошдан, деган нақл бор. От-она ўтасидаги одоб, самимий муомалани кўрган бола ҳам шу йўлдан юришига шу-шо ўй. Жанжалли уйдан эса бара-кагина эмас, одам ҳам қочиб кетади.

П. ЭРГАШЕВ.

ЛҮТТИБОЗ

Жиззах шаҳар алоқа-материял техник таъминоти идорасида юз берган ўғирлик тезда бутун шаҳарга ёйилди. Ноинсоф ўғрилар нуқул хорижий техник матаҳларни ўмарганини айтмайсизми. Ҳар бирин 8800 сўмлик японлар ишлаган автомагнитофондан 4 донаси, 9100 сўм турадиган автоматик жавоб берувчи телефон (бунасаши тушингизда ҳам кўрмайсиз), «Самсун» белгили видеомагнитофон эса телевизори билан гумдан қилинганди.

Хуллас, бу омбордан жами 42.780 сўмлик моллар ўғирланган. Бу воқеа ҳаммадан ҳам омбор мудири Ўролбой Абдуллаевни эсанкиратиб қўйганди. Шўрлик босини чанглалаганча, йиглагудай бўлиб милиция ходимларига ялинарди.

— Расво бўлдим. Агар уларни топиб бермасанглар, хонумоним куяди. Войдод, энди нима қиласман-а... Кўнглим ўзи сезгандай бўлувди-я... Неча марта шу мудирикни ташлай, дегандим-а...

Оператив гурух вакиллари физони фалакка чиқётган омбор мудирига ачинчи билан қарап, уни юлатишга сўз топишолмай қийналишарди. Қани бу матаҳлар тезроқ топилсаю Ўролбойни олдида юзларни ёргу бўлса.

Бузилган омбор эшиги, буюмлар турган жойлар синичлаб кўздан кечирилди. Гурух аъзолари бир муддатга йигилишдилар. Бир неча дақиқалик сухбатдан сўнг Ўролбойнинг уйига «мехмонга» отланишиди.

Идорадаги омбор омбор эмаскан, уйи омборхона бўлиб кетган экан. З та дипломат очиб кўрилганда, алоқа тармоқларини созлаш қуrollари билан тўла эди. 2 донга «Электроника» осма дөворосат, 5 та чет элда ишланган телефон аппарати, 2 та электр қўнгироқ, электр ўлчагич, 40 та электр лампаси, «Илга» радиоласи колонкаси билан, 6 та «ВЕФ-12» телефон аппарати, 1 та йигма стол, ёзув машинкаси хона саҳнига териб қўйилди.

Рангид-ранг қолмаган омбор мудирининг бу гал тили гапга айланмас, фақат:

— Шу омборчиликни ташлай, дегандим-а,— дерди.

Ўғирликка алоқадор Қўчкор Урдушонинг ҳам уйи текшириб кўрилганда, «Самсун» белгили видеомагнитофон телевизори билан чиқди. Қўчкорга буларни Ўролбойнинг ўзи беруб юборганини маълум бўлди.

Ҳадемай лўттибоз Ўролбой суд олдида жавоб беради.

Нур БАДИА.

Шаҳар кўчаларидан бири. Дам олиш куни бўлишига қарамай одам кам. Катта йўл ёқасидаги ўйлакчада хаёл сурб келаётган қиздаб-дурустдан ўзига ташланган даванирдек йигитни кўриб кўриқанидан қичқириб юборди. Йигит унинг бўйнидаги тилла тақинчоқни бир силтат билан юлиб оларкан, қандай тез пайдо бўлган бўлса, яна шу тезлик билан кўчанинг юқори томонига қоча бошлади. Узоқда келаётган бошқа бир йигит унинг ортидан чопди. Даставал нима бўлганига тушунолмай даг-даг титраётган қиз уларни беихтиёр кузатта бошлади.

Бояги нусханинг кетидан югураётган йигит спорчичи эканни кўп ўтмай унга етиб олди. Елкасидан тутди-ю, кўз илгамас ҳаракат билан босқинчининг қўлини орқасига қайтири. Жон аччирида Ҳудди шу пайт кўчанинг у юзидан шошиб ўтган иккиси милиционер йигитга ёрдамга келишиди.

(Суратли репортаж)

3. Ёнгидан сақлаш-техник ўкув юртининг ўқитувчи-зобитлари ҳам вазифаларига юксам масъулият билан ёндашадилар. Малакали кадрлар тайёрлашнинг энг муҳим омилларидан бирин ҳудди шундадир. Ўқитувчилар ҳар бир машғулотлар олдида кенташсалар, маслаҳатлашсалар, ўқув жараёни пухта ўтади.

Саҳифамиздаги суратларда билим юрти бошлигининг ўринбосари подполковник В. Киселев ва ёш ўқитувчи капитан И. Бориевлар қизгин баҳс юритаётгани, шунингдек, тажрибали муаллим подполковник Р. Ҳусановнинг учинчи курс талабаларига биринчи ёрдам мавзуси бўйича амалий сабоқ берадигани акс этган.

(Давоми 4-бетда).



Хурматли мударририят ходимлари! Сизларга мақтуб йўллаша ғайб үзасида «Чайқовчи барқ урса» номли мақола давват этди. Фақат сизлардан илтимосим исм-шарифимни тўлиқ кўрсатмандар.

Мен бир нарсага ҳайронман. Нима бизларда чайқовчиликка қарши қонун бекор қилинганим!

Масалан, Қўқон шаҳар бозорига тушсангиз, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса-

БЕДОДЛИК

ни топишингиз мумкин. Оддий меҳнаткашининг қонини сўраётган бу чайқовчилар молларни қаердан олишаётган! Ахир, ўз шахсий фабрика, заводларига эга эмас-ку! Милиция ходимларининг эса улар билан иши ўй.

Яна бир қизиқ томони шундаки, бозорда фақат шаҳар-

ликлар савдо қилишади. Четдан кўлган савдогарни ўша заҳотиёқ БХСС ходимларига тутиб беришади. Бундан чиқди БХСС ходимларининг шаҳарлик чайқовчилар билан тили бир экан-да. Дўён пештахтлари бўшаб ётган бир пайтда чайқовчиларнинг бунчалар барқ уришининг сабаби нимада! БХСС ходимларининг кучлари етмаса, бу ҳукукии фуқароларга берсина.

Э. Н.

Бефарқ бўлишмаса...

— Сергей Артемьев-ку, — деди улардан бири. — Яна «курорт»ни соғиниб қолибди-да, хумпар.

Бояги йигит босқинчининг қўлидан тушиб қолган тақинчоқни ердан оларкан, милиционерларга бир нималар дегач, қиз томонга юра бошлади.

— Мана, синглим, тақинчоригиз, — деди қизга қарашка, қўриқмасангиз ҳам бўлади.

Ҳали ҳам титрори босилмаган қиз унга эргашди. Яқин жойдаги таянч пунктига етганларидан сўнг танишиб олишиди. Майдум бўлишча, йигит — Неъматжон Мирзаев — шаҳардаги Фрунзе даҳасида ҳудуд инспектори бўлиб ишларкан.

Кўрининидан йигирманчи баҳорни кечагина кузатган бу йигитни менга танишиб ташриғланган кун ҳам ўзи масъул Неъматжон Мирзаев. — Лекин қўлган иши ҳайратдан оғиз очилгудек.

Қўлбола ичимлик устасини қўлга олиш жараёнида 4 та музлатигичга босиб жойлаштирилган гўшит, қолларда сувун, ўлаб 20, 10, 8 литрли шиша идишларда қўлбола ичимлик, ароқ ва конъякнинг бўш шишилари, ичимликлар қўзватини ўлчовчи турли асбоблар топилиби. Бир сўз билан айтганда, Неъматжон бу гал «ишбилармон корхона»га ташриф буорганди.

Аслида «корхона» соҳиби нафақаҳур экан, — дейди мен билан сұхбатда Неъматжон Мирзаев. — Лекин қўлган иши ҳайратдан оғиз очилгудек.

Сұхбатимиз мавзусини бошқа ёқса бурдим:

— Кўкрагингиздаги «НИБ»даги аълоҳи хизмати учун нишонини қаочон беришган?

— Бу воқеага анча бўлди, — дейди Неъматжон. — Ўша вақтда шаҳар ичишилар бўлми томонидан Қиргули туманида содир этилган қотилликлар тўғрисида хабарлар қайд қилинган эди. Лекин қилинаётган уринишлар самара бермас, қотил шахси аниқланмаётган эди. Худди ўша кезлари хизмат ҳудудимда яшаётган, 1969 йилда тугилган, муқаддам ўтириб чиқсан Давиденконинг юриш-туриши, ҳатти-ҳаракатлари менинг шубҳалантириди. У содир этган тартиббузарлиги учун 15 кунлик «дам олиш»га жалб қилинди. Ўша куни бошлиқка ўз фикримни айтдим. Дарҳақиқат, орадан кўп ўтмай Давиденконинг ўша машъум ҳодисалар сабаби чи-

ҲАРАКАТЛАР ЗОЕ КЕТМАДИ

6 августга ўтар кечаси Олмалиқ шаҳар ИИБга келган хабар навбатчилик қисми ходимларини ҳам, шу кечада бўлнида масъуллик вазифасини бажараётган бошлиқ ўринбосари милиция подполковники Эргаш Эркавени ҳам ўйлантириб қўйди. Номаълум шахслар Олмалиқ мебель комбинациинг маъмурӣ биносида жойлашган хазинанинг деворини бузуб кириб, пўлат сандиқ ичидаги ишхизматчиларнинг маоши — 41395 сўм пулни ўғирлаб кетишибди.

Бу ҳақда вилоят ИИБга хабар қилинганда, у ердан тезда ёрдам етиб келди. Тезкор-тергов гуруҳи режава тахминлар асосида қидирив ишларини бошлиқ юбориши. Иш вилоятнинг бир қатор депараларида, Тошкент, Чимкент шаҳарларида олиб борилди.

Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Вақт ўтган сайнин жиноятчиларнинг топилишига бўлган умид ҳам сўниб борар, гўёки, давлатнинг шунчак пулни уларнинг жигрилдини ҳал бўлиб кетгандек эди.

Лекин бундай бўлиб чиқмади. Август ойининг охирида қўлга олинган Н. ва А. исмли шахслар шу жиноятни содир этишганини бўйнита олиши.

М. МИРСОУРОВ.

ХИЁНАТ

Ўзбек имлосида бир сўзи битиш жуда оғир. У ҳам бўлса хиёнатdir. Аммо иқтисодий таңглих ҳукм сурған буғунги шароитимизда хоҳдамасанг ҳам бу ҳақда ёзишга мажбур бўларкансан.

Шу йил 29 сентябрга ўтар кечаси Қува шаҳрида шундай кўнгилсиз ҳол юз берди. Яна қаерда денг, кўзи ожизлар жамиятига қарашли корхонада. Айвон тагида турган «Москвич-412» белгили 27-57 ФЕН рақамли автомобилинг иккиси гидриаги ўғирланиб, «чўлоқ» қилиб кетилди. Коровул Абдуриром Ҳолматовнинг ўз вазифасига соўзқонлиги қимматга тушди.

Қўл қовуштириб ўтириб бўлармиди?

Дарров ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори Валижон Ҳолбеков раҳбарлигидаги оператив гуруҳ тузилди. Роппа-роса 72 соатлик қидирив натижасида 1969 йилда тугилган Дишпод Жалилов ва 1968 йилда таваллуд топган Мурод Қодировлар қўлга олинди.

Р. РАҲИМОВ, милиция катта сержант.

си эканлиги маълум бўлди. Тез орада менга бу нишонни тақдим қилишиди.

Неъматжон Фарғона туманинг Миндон қишлоғида таваллуд топган, Чимкентдаги ўрта маҳсус милиция мактабини якунлаган. Оиласи, бир фарзанднинг отаси, ширинсухан сұхбатдошига навбатдаги саволни беради.

— Кўпроқ нима ҳақида ўйлайсиз?

— Одамларнинг ўзидан бошикаларга, чор-атрофга бефарқлигини ўйлайман. Тўрри, биз милиция ходимларига ҳам ёрдам қўлини чўзувчи кишилар йўқ эмас. Лекин гоҳ зарурат юзасидан мурожаат қиласанг, ўзини четта олувчи, ўзга дунёдан келгандек муомала қиувчилар ҳам бор.

Ёш ҳамасбимнинг сўзларига қулоқ тутарканман, беихтиёр унга қўшиламан.

М. КИМСАНБОЕВ, милиция майори.

ГҮДАКДА НЕ ГУНОХ?

Эрталаб тахминан соат 7 ларда туман марказий касалхонасининг «Тез ёрдам» бўлимига Сардоба қишлоғида яшовчи Р. исмли аёлнинг оғир беморлиги ҳақида хабар келди. «Тез ёрдам» ходимлари унинг уйига келиб, бир неча дақиқа бурун фарзанд кўрганигни тушуниши, лекин чақалоқ кўринмасди. Р. саволларга жавоб бермаганини учун уни касалхонага олиб бориши ва у ерда яна гўдакнинг қаердалигини суршириша бошлашди. Савол жавоблардан кейин Р. болани туғиши биланоқ латтага ўраб, уй яқинидаги ахлат ташлаш учун қўйилган тележкага ташлаганини айтди.

Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси шу куннинг ўзидаёт жиной иш қўзгатди. Суд-тибиёт кўригининг хуласасига кўра, бола соғлом, яшаш учун қобилиятли ҳолда туғилган, лекин унга тегиши ёрдам кўрсатилмагани сабабли бош сугаи ва миаси жароҳатланниб, миасига қон қўйилиши оқибатида ўлган.

Буни қарангки, Р. охирги 40 кун ичидаги ҳомиладор ҳолатда юриб, бирор бир тиббиёт мусассасида кўрикдан ёки рўйхатдан ўтмаган, ҳатто тергов жараённида ўзининг бўйида борлигини билмаганини айтди. У билан бир ўйда яшайдиган ота-онаси ҳам қизининг оғир оқибатида ўлган.

Жиноятчига ҳар хил ўйлар билан ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуки берилган, буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин ўз жигарбандининг қотили бўла туриб жиноятини оқлаш учун баҳона излаган, андишасиз аёл орамизда борлигидан нафратланасан киши.

Ҳаммамизга маълумки, кўплаб оналар, бутун бир оиласи фарзандга зор. Улар гўдакни миллатига, динига қарамасдан фарзанд қилиб олишмоқда, қолаверса, жамиятимиз ҳам оналари ҳар хил ўйлар билан ташлаб кетган гўдакларни ўз қарамогига олиб, тарбия қилмоқда-ку. Болани тарбиялаб олишдан воз кечишига ҳар хил сабаблар бўлиши мумкин, бу ҳар бир отонанинг виждонига ҳавола. Лекин ўз фарзандига қотиллик қилиш учун бирор сабаб бўлиши мумкини? Йўқ! Мумкин эмас.

Юкорида тилга олинган Р. га нисбатан жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари тугалланиб, яқинда туман ҳалқ судига юборилади. Гап унга қандай жазо берилишида эмас, гап унга ўхшаган бағритошларнинг тўғри хулоса чиқариб олишидадир.

Утган йилнинг 13 август куни Сардоба қишлоғидаги

Омонгелди кўчасининг бошланиш жойида, туман поликлиникасининг орқа томонидаги ахлатхонада ҳам янги туғилган қиз боланинг жасади топилган эди.

Ўз танасида тўқиз ой олиб юрган, бир неча дақиқада ўз фарзандини ахлатхонага ташлаб кетган аёлнинг кимлигини аниқлаш ва тегиши тартибда жиной жавобгарликни тортиш учун тўман ички ишлар бўлими билан бирга олиб борилган барча қидирӯв ишлари ҳозирга қадар ижобий натижага бергани ўйқ. Она номига номуносиб номаълум аёл эса қилган ишига пушаймон бўлиб келгани ёки бу ҳақда маълум қилгани ҳам ўйқ. Ва бундай қилишига бизда ишонч ҳам ўйқ.

1991 йилнинг 5 январь куни «Андижон» давлат хўжалигининг 2-бўлими далаасида янги туғилган ўғил бола жасади топилди. Ушбу ҳолат бўйича ҳам қидирӯв ишлари ҳалигача натижага бергани ўйқ. Бу ўринда бир нарсани қайд этиш лозимки, одатда воқеа жойида янги туғилган бола жасадидан бошқа из топиб бўлмайди, бу ўз ўрнида қидирӯв ишларини бир мунча чигаллашибиди. Аммо бу воқеани билганлар камида уч-тўрт киши бўлади, яъни шу аёл билан яқин муносабатда бўлиб юрган эркак, шу аёлнинг онаси, опа-синглиси. Эҳтимолки, у бирон кишидан (кўпинча тиббиёт ходимларидан) маслаҳат сўраши мумкин. Лекин бу одамлар имкони борича сир сақлашга ҳаракат қилишида, ҳеч қаерда бу ҳақда галиришмайди, терговда тўғри кўргазма бермайди. Қотил аёлнинг яқинлари эса жиной жавобгарликдан кўра эл орасида шарманда бўлишидан қўрқишиади. Аммо бундайларни ҳаётнинг ўзи жазолайди.

Ушбу хабарни ўқиб, ўтган йилнинг 13 августидаги ва шу йилнинг 5 январь кунидаги воқеа тафсилотларидан, яъни иккни нафар гўдакнинг қотиллари кимлигини билганлар бу ҳақда Оқолтин тумани прокуратураси ёки ички ишлар бўлинига хабар беришса, кўп сабоб иш қилган бўлишарди. Виждан азобидан кутулишарди.

Сиз азиз муштариylар эса ушбуни ўқиб, ўзларнинг муносабатларнинг билрасиз, деб ўйлаймиз.

Б. КАРИМОВ,
Оқолтин тумани прокурори,
1-даражали ҳуқуқшунос.

Т. МУСАЕВ,
Оқолтин тумани ички ишлар бўлими бошлиғи милиция майори.

(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)



«ЎРИДАН САҚЛАНИНГ»

КИССАВУРЛАР «ТУЗОФИ»ГА ИЛИНМАСЛИК ТЎҒРИСИДАГИ
БИР НЕЧА МАСЛАҲАТЛАР

Усти ёшилмайдиган саватлар, тўрхалталар ва сумкалар, шунингдек, пальто ва калта камзулларнинг устки чўнтақлари кимматбахо нарсаларни олиб юриш учун мутлақа турган «бехосдан тушариб» юборадиган муттаҳамлар кўп учрайди. Шиммингизнинг орқа чўнтақидан чиқиб турган ҳамёнингиз ҳам киссавурларга осонгина «ем» бўлади.

Хуллас, гап шуки, қимматли нарсаларни кийимларнинг ички чўнтақларида олиб юринг...

Сумканнинг ҳеч қаочон елкага ташлаб юрманг. Уни қўлтигингизга маҳкам қистириб юрганингиз маъқул. Дўконлардан фақат қулф-калитли сумкалар сотиб олишга ҳаракат қилинг. Уларнинг ички бўлмалари сурилма занжир ёрдамида беркитиладиган бўлиши зарур. Ҳар сафар ўша ерга олдин ҳамёнингизни солиб, қолган буюмларнингизни устига жойлаширинг.

Пул, ҳужжат ва чек дафтарларнингизни бошқа-бошқа чўнтақларнингизга жойланг. Зарурати бўлмаган нарса-

ларни ёнингизда олиб юрманг.

Айниқса, темир йўл ва автомобил вокзалларида, кўнгалларда ҳушёр бўлинг. Бунаقا жойларда бир ҳовуч тунга пулни «бехосдан тушариб» юборадиган муттаҳамлар кўп учрайди. Бирорга ёрдамлашишин одат қилган йўловчиларнинг кўплари сочилган пулларни териб олишга кўмаклашаман деб, муттаҳамнинг шериги томонидан осонгина буюмларидан ажралиб қолганларнинг кейингина пайқашган.

Яна бир нарсани эслатиб қўйяйлик. Ўйингизнинг калитларни зиндор-базиндор ҳужжатларнингиз билан битта чўнтақда олиб юрманг. Акс ҳолда уларни «шилиб» кетган жиноятчи манзилгоҳининг қаердалигини билиб, уйда йўқ пайтингизни пойлаб туриш, ўйингизга кириши мумкин. Ҳа, эшикни сизнинг ўз калитнингиз билан очиб... («Экспресс-дайджест» ҳафтагонининг шу йил 13-сонида олинди).

Русчадан Ҳ. АБДУЛЛАЕВ таржимаси.

ламоқчи эмас эдим. Лекин эрим ўғлинига: «Онангни шу қилган иши учун ўлдира-ман», — деганини эшитиб қолдим. Қўрқанимдан яна бир марта уришга мажбур бўлдим.

Сиргали туман ҳалқ суди ишни атрофлича кўриб чиқиб, содир этган жиной ҳаракатлари учун айбланивчига беш йил муддатга қамоқ жазосини белгилади. Шаҳар ҳалқ суди эса жазони шартлига алмаштириши лозим тоғди.

Мана, ҳаммаси ўтди-кетди. Иккни ўтада болтабозлигига кўнгилхираллик қолди, холос.

Менинг ниятим эса хотинлар камроқ ўйқусирапча очилмади...

ИСРОФИЛ.

(Боши 1, 2, 3-бетларда). Яхши дам меҳнатга ҳамдам, дейди ҳалқимиз. Дарҳақиқат ёнгидан сақлаш-техник билим юртнинг талабаларда сўнг мириқиб дам олиши севадилар. Уларнинг энг севимли ҳордиц чиқарни масканларидан бири — кутубхона. Зоро, навқирон ёшлил орзулари кўп ҳолларда китоблардан кувват олади.

Сиз суратларда кўриб турган алп қомат, сервиқор йигитлар дарс пайтида ва кутубхонада.

Лукмон БЎРИЕВ,
Ҳабибулла ШОДИЕВ.

КЎНГИЛ ЎРТАМОСИН

ЭКАН

Урганган кўнгил ўртанса кўймас, деганларни рост экан. Нега дейсизми? Мана эшигинг.

«Олимпия» ресторанидан «жиндақ» отиб чиқсан Фердус Нуғаевнинг кўнгли ўртаниб ўларни. Илгарни ҳам судланган бу йигит худди шу куни (22 июль) Розия Ниёсиддинованинг уйига кириб, 4315 сўм 71 тийинлик мол-мулкини ўмарди.

Собир Раҳимов ҳалқ суди бу ишни кўриб чиқиб, Ф. Нуғаевни «дам олиш»га жўнатди. Айтинг-айтинг, унинг кўнгли кейин ҳам ўртамасин-да!

У. МИРҲАМЕДОВ.

МАДАНИЙ ХОРДИК

Тоза ҳаволи, хушманзара, сўлим боғлар бағрида дам олиши ким хоҳламайди дейсиз? Ёнингда ҳамфирларинг, ёшлиқдан бирга ўтсан үтсан юнадилар. Зўр-ку!

Табиат кўйинда ҳордик чиқарига бел болгаган Н. Шозиков, Ф. Соатов ва Г. Йўлдошевлар шу ниятда Паркентда жойлашган «Кумушон» дам олиш уйига жўнадилар. Ўзлари билан керакли масалликларни харид қилишиди. Ароқ ҳам эсларидан чиқмади. Ахир, бусиз дам олиш маданий бўлмай ёвойилашиб кетадида.

Қароргоҳ толишиб, нарсаларни тикишида, шишиларни бўшатишга киришиди. Учови ҳам гандиралкаб ошга уннадилар. Тоза ҳаводан масти бўлганми ё ароқданни Нурилла қозон бошида куймаланаётган Фаттоҳнинг ёнига келди.

— Ош қиласайсанми, шавлами?

— Пишсин кўрасан. Ҳар ҳолда сендан кўра фарқига борсан керак.

— Ҳали биз аҳмогу, сиз доно бўлиб қолдингизми?

— Э... Борсанг-чи...

Нурилланинг жаҳли бурнинг учидаги турган эканни, шартта пичоқни олдида, Фаттоҳнинг қорнига тикиди.

Қайнаб турган қозон ҳам, ҳали очилмаган шиша ҳам қолиб кетди. Фанижон зудлик билан касалхонага елди. Оғайниларнинг бирини касалхонага, иккинчини ИИБга топшириб, ўзи гувоҳлик бера бошлади.

М. ИСРОИЛОВА.

ЁМОН ТУШ КЎРДИ

Эру хотиннинг уруши, дока рўмолининг қуриши эканлигини биласиз. Бу сафар эса бундай бўлмади. Қўрмажур рўмолининг қуриши узокроқца чўзилди.

Тун эди. Ҳамма ширин ўйкуда. Шу жумладан Давлатмуротовлар оиласи ҳам. Хотиннинг ўйкусин ючди. Шарт болтани олди-ю, эрининг бошига тушириб қолди. Нималар бўлаётганини тушумаган эр чопиб юванини юнасига кирди. У ерда бошидан оқаётган қонни ювашга тутиниди.

Кейинчалик судда берган кўргазмасида хотини: «Буни билмасдан қилиб қўйдим.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Узбекистон Жумҳурятини «Шарқ» нашриёт-матбааҷилик концерни
босмахонаси.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
муҳбирлар бўлими — 59-26-56,
умумий бўлими — 59-21-21.

Рўзнома оғсиз усулида, А-3 қолипни боснлган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Босмага бериш вақти 18.00. Босмага берилди 17.00.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
Республики Узбекистан
26078 нусхада чол этилди.
Буюртма — 6509. Индекс: 64615.